

НОРМУРОД ХОЛМУРОДОВ

# ҲАЁТ МАЗМУНИ

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2016

**УЎК: 94(575.1)**

**КБК: 84 (5Ў)7**

**X-72**

**Холмуродов, Нормурод**

Ҳаёт мазмуни / Нормурод Холмуродов. – Тошкент: Янги аср  
авлоди, 2016. – 440 б.

ISBN 978-9943-27-683-3

**УЎК: 94(575.1)**

**КБК: 84 (5Ў)7**

**Тақризчилар:**

**Н. АБДУРАҲИМОВ,**

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

**Т.МУҲИДДИНОВ,**

биология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-27-683-3

© Нормурод Холмуродов, «Ҳаёт мазмуни». «Янги аср авлоди»,  
2016 йил.

*Ушбу китобимни жонажон Ватанимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда шу азиз юртнинг ҳамиша гуллаб-яшнаши, тинч, осойишталиги ва инсонлар орасида ўзаро ҳурматнинг янаям мустаҳкам бўлишига бағишлайман.*

### **СЎЗ БОШИ**

Мана, чорак аср бўляптики, Ўзбекистондек жаннатмакон юртимиз мустақилликка (1991 йил) эришганидан кейинги даврдаги тараққиёт мисли кўрилмаган даражада ривож топди. Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб тузган дастурлари асосида тадбирларнинг амалга оширилиши натижаси ўлароқ, ижобий ўзгаришлар кўпайиб, Ватанимиз халқларининг руҳига руҳ қўшмоқда. Ўзбекистонни тасаввур этмаган жаҳон халқлари унинг қанчалик тарихий обидаларга бой, маданияти узоқ ўтмишга эга юрт эканлигини, халқи бағрикенг, меҳрибон мамлакатлигини энди ҳис этмоқда.

Шу ўтган давр мобайнида Республикамизда қанчадан-қанча саноат корхоналари, айниқса, газ ва нефтни қайта ишлайдиган комбинатлар, енгил, юк ва йўловчи ташишга мўлжалланган автомобиль заводлари ишга туширилиб, ўз маҳсулотини халқимиз эҳтиёжига етказиб бермоқда.

Булардан ташқари, узоқ масофали темир ва автомобиль йўлларининг фойдаланишга топширилиши, оғир юк кўтаришга бардош берадиган темирйўл кўприклари ва 19 километрдан ортиқ масофали тоғ туннеллари

қурилиб, ишга тушириляётгани улкан ютуқларимизни кўрсатмоқда.

Ватанимиздаги ободончилик ишларининг замонавий талаблар асосида бўляётганидан халқимизнинг хурсандчилиги чексиз.

Энг муҳими, келажаги буюк Ўзбекистон давлатининг амалга оширяётган ишлари билан биргаликда тинч-осойишталикнинг таъминланиб туриши улкан ютуқлардан биридир. Шу қисқа давр ичида барча ижобий ишлар билан бир қаторда жаҳонга кўз-кўз қиладиган сифатли ишлар билан Ватанимиз танилди.

Мустақиллик йилларида шараф топган, катта илмий ва ҳаётий тажрибага эга юртдошларимиз ўз иш фаолияти давомида олган таассуротларини қоғозга тушириб, китоб ҳолида чоп эттириб келаятир. Шундай кишилар орасида пахтачилик соҳасини пухта эгаллаган Нормурод Холмуродовнинг ушбу китоби ҳақида сўз юритадиган бўлсак, киритилган маълумотларнинг аксарият қисми собиқ иттифоқ даврига тегишли. Ўша пайтда бўлиб ўтган қийинчиликлар, иш ва илм олиш тартибларининг бир мунча ўзгачалиги китоб саҳифаларида таърифланиб, ўша давр раҳбарларидан айримларининг номлари кўрсатиб ўтилган.

Ўша даврда ҳали вояга етмаган мактаб ўқувчиси 14-15 ёшдан хўжаликнинг дала ишларига ўсмир тариқасида жалб қилингани ҳамда аксарият қишлоқ мактабларида 8-10-синфларнинг бўлмагани, шу боис туман марказларида ўқиб таълим олишга мажбурлиги ва бунинг қанчалик қийинлиги асар саҳифаларида баён этилган.

1950 – 1980 йиллар давомида собиқ иттифоқ раҳбарларининг тузган режаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси асосий пахта етиштириш базасига айлантирилган бўлиб, унга кўра суғориладиган ер май-

донларининг 75 фоизи шу экин билан банд бўлгани, Республика аҳолисининг асосий иши пахта хом ашёси етиштириш бўлгани китобда ёритилган.

Халқимиз истеъмол қиладиган буғдой уни бошқа ўлкалардан келтирилгани, айрим йиллари Республикамиз аҳолисини ун маҳсулоти билан таъминлашда анча қийинчиликлар юзага келгани, бу ҳол мамлакат раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли содир бўлгани асар саҳифаларида қайд этилган.

Вилоятларда ўша мустабид даврларда маҳаллий кадрларга бўлган эътиборнинг пастлиги, узоқ ўлкалардан келган рус, украин, арман, яхудий каби миллатларга мансуб кадрлар идора ва ташкилотларнинг ҳатто бўлимларигача раҳбар этиб тайинлангани ҳам қаламга олинган.

1937 – 1938 йиллардаги қатағон ва Иккинчи жаҳон уруши даврида мамлакатни бошқарган раҳбар номи айна шу тарихий воқеаларга боғлиқ, бу ҳам китоб саҳифаларида ёритилган.

Муаллиф 1981 – 1991 йиллар давомида Республика қишлоқ хўжалик вазирлигида пахтачилик ривожига катта ҳисса қўшди. Албатта, пахтачилик қишлоқ хўжалиги соҳасининг етакчи тармоғи бўлгани учун ҳам, бу соҳадаги ишлар ва кишилар номлари тарихий маълумот сифатида қайд этилган.

Китобда марказ томонидан республикамиз меҳнаткашларининг «ўзбеклар иши» ва «пахта иши» (1985 – 1988 йиллар) билан бадном қилиниши ва жазоланиши халқимиз учун ҳақорат, туҳмат ва ноҳақлик экани, барча сўроқ-терговларга бардош берган халқимиз бу синовларни бошидан ўтказгани асарда ёритилган.

1989 йил ёз ойида республикамизни бошқаришга киришган қатъиятли раҳбар Ислом Абдуғаниевич Каримов ноҳақ қамоқда ётганларнинг озодликка

чиқишини таъминладилар. Бу ҳам асар саҳифаларида берилган. Китоб муаллифи ихтисослиги қишлоқ хўжалик ходими бўлса-да, ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳақида «Сурхон воҳасида этно маданий ҳаёт» китобини тарихчи олимлардан хулоса олиб, 2014 йилда чоп эттирган.

Хулоса тариқасида шуни қайд этиш лозимки, китобда баён этилган ҳар бир воқеа, ҳар бир шахс ҳақиқий тарихдир.

Умуман, китобни ўқиган киши республикамизга оид кўп маълумотлардан хабардор бўлади, деб ўйлайман.

Албатта, ўтмишдан кўз юмиб бўлмайди, уни билмоқ ва ўрганмоқ тарихдан сабоқ олмоқ демакдир.

*Зойиржон ЗИЁТОВ,  
«Турон» Фанлар академияси аъзоси, академик*

## МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Коинотни ўрганувчи илм-фан олимларининг хулосаларига кўра, куёш тизимига кирувчи сайёралар орасида Ернинг пайдо бўлиб, ҳаракат қилаётганига бир қанча миллиардлаб йиллар бўлган.

Она Ермиз думалоқ шаклда бўлиб, бир кеча-кундузда (24 соат) ўз ўқи атрофида бир марта айланади, бир йил (365-366 кун) давомида эса куёш атрофини айланиб чиқиб, табиатнинг тўртта мўъжизасини, яъни қиш, баҳор, ёз ва куз фаслларини намоён қилади.

Ернинг бундай ҳаракатланиши бир секунд (сония) давомида 30 километрдан кам бўлмаган масофани куёш атрофи бўйлаб бир йил давомида 946 млн. км дан ортиқ йўлни босиб ўтишини англатади.

Демак, сайёрамизнинг бетиним ҳаракати туфайли ер юзасида турли хил ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Ернинг унумли тупроғи ва сувнинг мавжудлиги улуғ табиат неъматидир. Демак, тупроқ, сув, тоза ҳаво ва куёш нури табиатга ҳаёт бағишлаб турибди. Бу Ерда тирик организмлар жонланиб, ривож топиб, келажақда насл қолдириши табиат қонунига айланган.

Миллионлаб вирус ва ҳашарот турларидан тортиб, то ўз эволюциясида кўпайиб, кейинчалик қирилиб кетган динозавр ва мамонт каби жонзотлар, ҳозиргача яшаб келаётган филлар, шерлар, йўлбарслар, денгиз ҳайвонлари бўлган кит ва акулалар ҳамда хилма-хил балиқлар турлари ҳаммага маълум.

Миллионлаб жонзотлар орасида ягона онгли ҳисобланган одам зотининг яшаб келаётгани табиатнинг улуғ неъматидир.

Яратган эгам бу жонзотга ақл-фаросат ато этгани боис, у барча ҳилқатлар ичида устун саналади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, одамзот бундан бир ярим миллион йиллар илгари пайдо бўлган.

Буни археологик қазилма текширувлари ҳам исботлади. Айтишларича, дастлаб ер юзининг ҳамма жойи бутунлай сув билан қопланган, кейинчалик сувлар орқага чекиниб, баланд жойлардан сув кетиб, аста-секин қуруқликка айланган.

Сувдан очилган қуруқ жойларда турли хил жонзотлар пайдо бўлиб, денгиз чекинган майдонлар кўпайиб борган.

Оқибатда, қуруқликка айланган жойларда ҳаёт бошланиб, жонзотлар кўпайиб тарқалган. Яратган эганининг инъоми билан одамзот табиатда вужудга келган аксарият ҳайвон зотини бошқариб, улардан кўпини хонакилаштиришга эришган. Шулар орасида қўй, эчки ва молларни уй ҳайвонларига айлантириб, уларнинг гўшти, сути, жуни ва терисидан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиб келди. Туя, от ва эшак каби ҳайвонлардан эса улов сифатида фойдаланишни йўлга қўйди. Уй ҳайвонларини ваҳший ёввойи ҳайвонлардан асраш ва ҳимоя қилиш учун итлар ҳам уй ҳайвонларига айлантирилди.

Табиат инъом этган турли ўт-ўланлар орасидан донли – буғдой, арпа, жавдар каби, дуккаклилардан нўхат, мош, ловия, сабзавот экинларининг барча турлари экилиб, мевали дарахтлардан боғ яратилиб, уларни инсон ўз манфаатларига мос парваришлаб яшашни йўлга қўйган. Бундан ташқари, техника экинни ҳисобланган пахтани кўпайтириб, унинг хом ашёсидан кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ, чигитидан ёғ, шелуха ва ғўзапоясидан ўтин сифатида фойдаланиб, уни парваришлаб келади.

Ёғ олиш мақсадида кунжут, зиғир, кунгабоқар ва соя экинни етиштирилган. Халқимиз бу экинларни йилнинг қайси ойида экишни, улардан юқори ҳосил олиш сирларини яхши ўзлаштирган. Чорва молларининг ем-хашаги



учун беда, маккажўхори ва оқжўхори кабилар экилиб, улардан чорва озукаси тайёрлаб келинган.

Бундан ташқари, қўй ва эчкилар учун табиий ҳолда ўсаётган янтоқ ва турли шўра ўтлардан ҳам фойдаланилган.

Табиат яратган турли ўсимлик ва дарахтлар, айниқса, ўрмонлардаги дарахтлар барча жонзотларга ҳаёт бағишлаб, ҳаводаги карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ )ни ютиб, кислород ( $\text{O}_2$ ) ишлаб чиқиб, бизни тоза ҳаво билан таъминлайди. Ҳавомиз таркибида кислород миқдори қарийб 21 фоизни, азот (N) эса 78,1 фоизни ва ҳар хил зарарли газлар 0,95 фоизни ташкил этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сув – ҳаёт манбаи, сувсиз ҳаёт йўқ. Унинг таркиби водород ва кислород ( $\text{H}_2\text{O}$ )дан ташкил топган. Сув ҳақида қанча гапирилса ҳам камлик қилади.

Сайёрамизнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғини сув ташкил қилади. Бироқ атиги 3 фоизга яқини ичимлик сувга тўғри келади, холос. Ер юзида яшаётган 7 миллиарддан ортиқ одамнинг аксарияти ҳали тўлиқ тоза ичимлик суви билан таъминланган эмас. Бунинг устига ер остидан қазиб чиқарилаётган артезан сувларининг ҳам ҳажми борган сари камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Албатта, бундай ҳолатлар келгусида турли муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳатто айрим мамлакатларнинг аҳолиси ҳаёти давомида бирор марта ҳам тоза ичимлик суви ичмаган. Бундай одамлар, айниқса, Африка қитъасида яшаётган халқлар орасида мавжуд.

Демак, тоза ичимлик сувининг инсон ҳаётидаги ўрнини ҳис этиб, тоғли ҳудудлардаги қорларнинг эриб йиғилаётган сувлари, табиий булоқлар ҳамда ер остидан қазиб чиқарилаётган ичишга мўлжалланаётган тоза сувларнинг ҳар бир литрини кўз қорачиғидай

асраб, ифлос ва исроф қилмасдан фойдаланиш ҳар бир ақли расо инсоннинг муқаддас бурчи бўлмоғи давр ва ҳаёт талабидир. Тоза ичимлик сувининг қадрига етиб, уни беҳудага чиқиндига айлантирмаслик зарур.

Ўзбекистондек жаннатмакон юрт халқи табиат инъом этган тоза сувнинг ҳар томчисини эъзозлаб сарфлашига ишонамиз.

Юртимизнинг ажойиб тоғлари, дарёлари ундан шарқираб оқаётган зилол сувлари, унумдор тупроғи, ҳавосининг мусаффолиги, дов-дарахтлари, хилма-хил ўсимликларини қанча таърифласак, озлик қилади.

Кўпчиликка маълумки, жаҳоннинг айрим мамлакатларида ичимлик сувини таъминлайдиган дарёлар йўқ.

Бу сингари мамлакатларнинг ерлари чўл ва саҳроли ҳудудлар бўлиб, инсон ҳаётида қанчалик қийинчиликлар келтириб чиқараётгани маълум. Шундай бўлса-да, бу жойларда одамлар яшаб келмоқда.

Табиати оғир бўлган ўлкаларда одамларнинг ўртача умри 50 ёшга етмайди. Бундай жойларда йилнинг 12 оyi жазирама иссиқдан иборат (кўп ҳолларда иссиқлик 45–50 даражадан кам бўлмайди). Шу туйғайли бўлса керак, инсон организмнинг ривожини ўзгача бўлиб, кишилари тез қартайиб қолади.

Бу сингари жойларда йиллик ёғингарчиликлар ҳам деярли йўқ ҳисоби. Бундай ҳолатнинг акси бўлган ўлкаларда аксарият ҳолларда қаҳратон совуқ, яъни қорлар кўп бўлиб, совуқ кунлар узоқ давом этгани боис, халқининг умр кўриши узоққа бормайди. Жаҳоннинг ҳамма жойида бир хил оби-ҳавонинг бўлмагани учун ҳам инсонларнинг ҳаёти ва турмуш тарзи бир-биридан анча фарқ қилади. Шу сингари хабарлардан воқиф бўлганимиздан сўнг, Ўзбекистондек юртнинг жаннатмаконлигига ишонмасликнинг иложи йўқ. Чунки юртимизнинг ҳамма жойида турли хил мевали



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4190> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4190> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/4190>